



Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмаси ёш корилар ва Куръони Карим билимдонлари ўртасида бирданига иккита Куръон мусобакаси ўтказди.

Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмаси Жидда шаҳридаги «Насим» мавзесида ёш Куръон хофизлари ўртасида Куръон мусобакаси ташкил этди. Унда 13 та – Бангладеш, Сомали, Миср, Хиндистон, Афғонистон,

Тожикистон, Чад, Иордания, Покистон, Эфиопия, Жазоир, Мозамбик, Индонезия давлатларидан 29 нафар кори ва кориялар иштирок этди.

Шунингдек, Куръони Каримни пухта ўрганиш махорати бўйича мусобаканинг якуний саралаш босқичи ҳам бўлиб ўтди. Унда 22 та – Иордания, Судан, Танзания, Шри Ланка, Миср, Босния, Украина, Афғонистон, Франция, Уганда, Индонезия, Хиндистон, Киргизистон, Покистон, Татаристон, Мавритания, Филиппин, Гана, Эфиопия, Догистон, Сомали, Тожикистон давлатларининг хар биридан биттадан вакил, яъни 22 нафар кори катнашди.

**Манба:** <http://www.hqmi.org>